

# **Қорақалпоғистон Республикаси бўйича 2024 йилда амалга оширилган ишлар тўғрисида МАЪЛУМОТ**

## **ИҚТИСОДИЙ МАСАЛАЛАР БЎЙИЧА:**

Сўнги икки йилда Қорақалпоғистонда саноат, қишлоқ хўжалиги, тадбиркорлик ва маҳалла инфратузилмасида кескин ўзгаришлар қилиш учун муҳтарам Президентимизнинг **14 та** Фармон ва қарорлари ҳамда Ҳукуматнинг **25 та** қарор ва фармойишлари қабул қилинди.

Ушбу ҳужжатлар халқимизнинг обод турмушини таъминлаш ҳамда уларга қулай шарт-шароит яратиш, иқтисодиётимизни мустаҳкамлаш, аҳоли даромадларини ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги, таълим, тиббиёт, спорт, маданият соҳасида катта ютуқларга эришишга муҳим асос бўлди.

Рухсат берсангиз, бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикасида амалга оширилган ишлар ва йил якунининг кутилиши тўғрисида ахборот берсам.

2024 йил якуни билан аҳоли сони 2029,7 мингга етди. Шундан 737,9 минг нафар аҳоли иш билан банд, 47,5 минг нафар аҳоли ишсиз ҳамда 71,5 минг нафар аҳоли узоқ муддатга кетган. Ишсизлик даражаси 5,8 фоизни ташкил этади.

2024 йил якуни билан ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 45,7 трлн. сўмни ташкил этди. (2023 йил якунига нисбатан 6,3 трлн.сўмга ошди).

Аҳоли жон бошига 22,5 млн.сўмни ташкил этиб, 2 фоизга ўсиши таъминланади.

Саноат ишлаб чиқариш ҳажми 24,6 трлн.сўмни ташкил этилди. (2023 йил якунига нисбатан 6,8 трлн. сўмга ошди);

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 18 трлн.сўмлик ишлаб чиқарилди (2023 йил якунига нисбатан 1,6 трлн.сўмга ошди.);

Қурилиш ишларида 8,5 трлн.сўмлик ҳажми ташкил этди. (2023 йил якунига нисбатан 3,2 трлн.сўмга ошди);

Хизматлар кўрсатиш ҳажми 28,8 трлн.сўмни ташкил этилди. (2023 йил якунига нисбатан 15,9 трлн.сўмга ошди.).

## **ҚУРИЛИШ СОҲАСИ БҮЙИЧА:**

Кейинги йилларда ҳудудимизда кенг кўламли қурилиш, ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда.

2024 йилда ҳудудимизда **Инвестиция, маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш, аҳолини уй-жой билан таъминлаш** ва бошқа давлат дастурлари доирасида **8 трлн 553,2 млрд.сўмлик** қурилиш иш ҳажмлари бажарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 107,4 фоизга ўсишга эришилди. (2023 йилда 7 трлн 457,8 млрд сўм).

**Биринчидан, Инвестиция дастури** доирасида **152 та** обьектда **886 млрд.сўмлик** қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди ва **118 та** обьектлар фойдаланишга топширилди. (режа 1 трлн 222 млрд.сўм, 73 %)

(Шундан, **37 та мактаб, 23 та боғча, 6 та соглиқни сақлаш, 5 та спорт,**

**2 та маданият, 1 та илм-фан, 17 та ичимлик сув, 23 та ирригация ва мелиорация, 23 та автомобиль йўллари, 15 та бошқа соҳа обьектлари**).

Ажратилган маблағлардан **Қораўзак** тумани махсус саноат зонасини коммуникация билан таъминлаш бўйича маблағлар ўзлаштирилишида камчиликларга йўл қўйилди. (325 млрд.сўм)

Мисол тариқасида: Нукус шаҳрида **504 ўринли Ихтисослаштирилган мактаб** биноси янгидан қурилди.

**Иккинчидан, маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш дастурига** мувофиқ **130 та** маҳаллага ажратилган **88 млрд** сўм ҳисобидан **129 та** обьектда қурилиш ишлари олиб борилди ва **128 таси** фойдаланишга топширилди.

Мазкур маблағлар ҳисобидан жами **322,6 км** электр тармоқларини тортиш ҳамда

**40 та трансформатор** ўрнатиш, **51 км** газ тармоғи реконструкция қилиш, **221,0 км** ичимлик суви тармоғини тортиш, **3 та** сув иншооти қуриш ва **1 дона** насос қурилмасини ўрнатиш, **3 та** соглиқни сақлаш обьектларида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Қолган, Тўрткўл туманидаги Туямўйин сув иншоотига насос ўрнатиш ишлари 2025 йилга ўтказилди.

**Учинчидан, аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастури** доирасида жорий йилда ҳудудларда **71 та 2734 хонадонли** уй-жойлар фойдаланишга топширилди.

**Қонликўл, Қораўзак, Кегейли ва Элликқалъа туманларида “Янги Ўзбекистон” массивларида **390 хонадонли 13 та** кўп қаватли уй-жойларда қурилиш ишлари якунланди.** (режа 32 та 1010 хонадон)

Уй-жойга талаб юқори бўлган **бошқа ҳудудларда 58 та 2 344 хонадонли** кўп қаватли уй-жойлар фойдаланишга топширилди.

**Түртинчидан**, “**Ташаббусли бюджет**” лойиҳаси доирасида 2024 йил

1-мавсумида ғолиб деб топилган **145 та** обьектларда қурилиштаъмирлаш ишлари тўлиқ якунланди.

(Хусусан, **47 та** мактаб, **6 та** мактабгача таълим ташкилоти, **6 та** соғлиқни сақлаш, **38 та** ички йўллар (43 км), **1 та** ичимлик сув, **7 та** табиий газ, **2 та** электр ва **38 та** бошқа соҳа)

**“Ташаббусли бюджет”** лойиҳаси доирасида 2024 йил 2-мавсумида ғолиб деб топилган **77 та** обьектларда **62 фоиз** қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди. (режа 74,7 млрд.сўм, амалда 46,6 млрд.сўм)

Бугунги кунда амалга оширилган ишлар натижасида **25 та** обьектларда ишлар тўлиқ якунланди.

**Бешинчидан**, автомобиль йўллари ҳолатини яхшилаш мақсадида барча дастурлар доирасида жами **1 1179 км** ички йўлларида таъмирлаш ишларини олиб бориш режа қилиб олинди (шундан, 56,0 км асфальт, 1123,1 км ички йўллар).

Бугунги кунда **1026,0 км** ички йўллар таъмирланишига эришилди. Шундан, **104,7 км** ички йўллар асфальтланди ва **921,3 км** тупроқ йўллар қум-шағал аралашмали йўлларга ўтказилди.

Бундан ташқари, Осиё тараққиёти банки иштирокидаги А-380 “Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнеу” автомобиль йўлининг **964-1204 км (240 км, 383,4 млн. доллар)** қисмларини цементбетон қопламаси билан реконструкция қилиш лойиҳаси доирасида **232 км** цемент-бетон қопламали йўлларга ўтказиш ишлари бажарилиб, **фойдаланишга топширилди**.

Шу билан бирга, А-380 “Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнеу” автомобиль йўлининг **25 км** қисмини реконструкция қилиш ишлари бошлаб юборилди ҳамда **92 км** қисмини реконструкция қилиш ишларининг Техник иқтисодий кўрсаткичлари ишлаб чиқилмоқда ҳамда **жорий йилда бошланади**.

**Олтинчидан**, ичимлик сув таъминотини яхшилаш бўйича **178,0 млрд сўмлик** ичимлик сув тармоқлари қурилиши белгилан олинди ва натижада таъминланганлик даражаси **72,4 фоиз**дан **74,8 фоизга** етказилди.

Бугунги кунда **60 та** (221,9 млрд.сўм) обьектларда қурилиш-монтаж ишлари олиб борилиб, **55 та** (217,9 млрд.сўм, 98,2 %) обьект фойдаланишга топширилди.

Натижада **393,1 км** ичимлик сув тармоқлари тортилиб, **63,4 мингдан** ортиқ аҳолининг ичимлик сув таъминотининг яхшилашнишига эришилди.

Бундан ташқари, Осиё тараққиёт банки маблағлари ҳисобидан 2024-2025 йилларда **1 279 км** ичимлик сув тармоқлари ва **27 та** сув иншоотлари қурилиш ишлари босқичма-босқич олиб борилмоқда (жами 145 млн.долл, шундан, 2024 йилга 29 млн. долл).

**Еттинчидан**, умумий **460,7 млн.** кило-ватт соат (ўтган 2023 йилда 433 млн кВ соат, ўсиш 106 %) **электр энергиясини** ва **513,6 млн. куб-**

**метр табиий газ** (үтган 2023 йилда 262 млн. куб-метр, ўсиш 196 %) иқтисод қилиш бўйича режалар белгилаб олинган. (Илова қилинмоқда)

**Бугинги кунда **293,7 млн** кВт соат электр энергияси ва **237,3 млн** метр куб табиий газ таъминоти иқтисод қилинди.**

**Саккизинчидан**, куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш мақсадида ҳам режаларимизни белгилаб олганмиз.

- **2 414,5 км** электр тармоқлари ва **703 дона** трансформаторларни мукаммал таъмирлаш;

- **4 229,7 км** электр тармоқлари ва **1 405** дона трансформатор пунктларини жорий таъмирлаш;

- **4,2 км** (амалда 100 %) газ тармоқларини реконструкция қилиш;

- **86 та** кўп квартирали уй-жойлар таъмирлаш, шундан, **34 та** кириш ўйлаклар, **48 та** электр щитлар ва **16 та** уй-жойларнинг муҳандислик-коммуникациялари таъмирлаш ҳамда **38 та** кодли қулфли темир эшиклар ўрнатиш;

- **22 дона** (амалда 100 %) газ тақсимлаш пунктлари мукаммал таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Юқоридагилар билан бир қаторда, **78,96 минг тн** аҳолига (режа 73 минг тн, 108,2 %) ва **39 минг тн** (100 %) ижтимоий соҳа объектларига кўмир етказиб берилди.

**Тўққизинчидан**, қурилиш соҳасида 2024 йилда **4849** та (шундан, 2236 та доимий ва 2 613 та вактинчалик) янги иш ўринлари яратилди. (режа 4 746 та, амалда 102,2 %)

**Хусусан, уй-жой қурилишида **2444 та**, саноат корхоналари қурилишида **998 та**, ижтимоий объектлар қурилишида **1194 та**, автомобиль ўйллари қурилишида **213 та** яратилди.**

## ИЖТИМОЙ МАСАЛАЛАР БҮЙИЧА:

### Мактабгача ва мактаб таълими тизими

#### 2024 йилда амалга оширилган ишлар:

Бугунги кунда, Қорақалпоғистон Республикаси бүйича жами **1 869 та мактабгача таълим ташкилотлари** (шундан, 480 таси давлат, 104 таси давлат-хусусий шерикчилик асосида, 17 таси хусусий ҳамда 1 268 таси оиласый нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари) ҳамда **574 та умумий ўрта таълим мактаблари** (шундан, 1 таси Президент мактаб, 1 таси ижод мактаб, 18 таси Ихтисослаштирилган мактаб, 726 таси умумтаълим мактаб ҳамда 8 таси хусусий мактаб) ва **18 та Баркамол авлод болалар мактаблари** фаолият юритиб келмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси бүйича **3-7 ёшдаги болалар сони 150 913 нафар** бўлиб, шундан **125 265 нафар** бола мактабгача таълим ташкилотларига қамраб олинган. Қамраб олиш даражаси **83,2 %**ни ташкил қилиб 2024 йилга режа бажарилди.

Республикадаги **477 та** давлат мактабгача таълим ташкилотларининг **3216 та** гурухига **49** номдаги дидактик қўлланмалар, кўргазмали материаллар ва ўйинчоқлар билан таъминланди.

2023-2024 ўқув йилидан Қорақалпоғистон Республикасида **34 та** мактабда янги **баҳолаш тизими** тажриба-синов тариқасида жорий этилди.

**“Мактабларда иккита хорижий тилга ўқитиш ҳамда битта касбга ўргатиш”** бўйича

10-синфдан бошлаб иккита хорижий тил ва 10-синфдан бошлаб битта касбга ўргатиш тизими **17 та** умумий ўрта таълим мактабларида тажриба-синов тариқасида йўлга қўйилди.

Шунингдек, чет тили фани ўқитувчиларининг миллий ва халқаро сертификатлар олиш кўрсаткичи бир қанча яхшиланиб, 2024 йилда **2218 (76.8%)** нафар ўқитувчи, **747 (1.8%)** нафар ўқувчи миллий ва халқаро (**C1** ва **C2**) сертификатларини олган.

Касб-хунарга йўналтириш **17** мактабда **9 та** касб бўйича **1095 нафар** ўқувчи маҳсус ўқув дастурлари асосида ўргатилмоқда.

2023-2024 ўқув йилида ўтказилган фан олимпиадасининг Ўзбекистон Республикаси босқичида **16 та** фан бўйича **48 нафар** ўқувчи иштирок этиб, олимпиада якунида **8 та совринли ўрин** билан Ўзбекистон Республикаси миқёсида совринли **3-ўринни** эгаллади.

Жумладан, **Cerebry** рақамли таълим платформаси бўйича (11.12.2024 ҳолатига) камида бир маротаба кирган ўқитувчилар **77.9 фоизни** ташкил этиб, бу кўрсаткич Республика бўйича 3-ўринни; **58.6 фоиз** Платформага

камида бир маротаба кирган ўқувчилар кўрсаткичи Республикада 2-ўринни эгаллади.

Коурсера платформаси бўйича 2024 йил **29 157 нафар** ўқувчи ва ўқитувчилар сертификат олган.

2024 йилда мактабларимиз **122 та** компьютер синфи билан таъминланди (шундан, **91 та** Республика бюджети, **18 та** Маҳаллий бюджет, **6 та** Ҳомийлик ва грант маблағлари, **7 та** Опен Бюджет дастури ҳисобига тўғри келади).

**Кембриж ўқув дастурлари** асосида Нукус шаҳридаги 46-сонли умумтаълим мактабида 5-синфдан бошлаб **20 нафар** ўқувчидан иборат **2 та** синф ташкил этилди.

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан марказлаштирилган ҳолда **150 дона** замонавий компьютер билан жиҳозланган Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг ўқувчи ва ўқитувчиларнинг **билим ва кўникмаларини баҳолаш маркази** ташкил этилди.

### Олий таълим тизими

#### **2024 йилда амалга оширилган ишлар:**

Олий таълим соҳасида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида бугунги кунда **12 та**, яъни **4 та** олий таълим муассасаси ва **6 та** олий таълим муассасаларининг филиаллари, **2 та** нодавлат олий таълим муассасалари фаолият кўрсатмоқда.

2024 йилда ҳудуддаги олий таълим муассасаларини **14 минг нафар**дан ортиқ талаба битириб, турли соҳаларда ўз фаолиятини бошлашди.

2019 йилда Қорақалпоғистон Республикасида **14 634 нафар** мактаб битиравчиларидан **1 799 нафари** (**12 фоиз**) олий таълим муассасаларига ўқишга кирган бўлса, 2024 йилда **22 846 нафар** битиравчидан **12 967 нафари** (**56,8 фоиз**) олий таълим муассасалари талabalari бўлишди. Яъни мактаб битиравчиларининг олий таълим билан қамраб олиш кўрсаткичи **12 фоиздан 56,8 фоизга** ўсишига эришилди.

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикасида **31 та** техникумда **745 та** корхона ва ташкилотлар иштирокида **10 та** йўналишда дуал таълим тизимига **1716 нафар** ўқувчи ёшлар қамраб олинган.

### Соғлиқни сақлаш тизими

#### **2024 йилда амалга оширилган ишлар:**

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикасида **216 та** (**37 та** шифохона, **17 та** кўп тармоқли поликлиника, **81 та** оиласиий поликлиника, **81 та** оиласиий шифокорлик пунктлари) давлат ва **352 та** хусусий тиббиёт муассасалари фаолият кўрсатмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси тиббиёт муассасалари ходимлари томонидан аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлаш, улар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, даволаш-профилактика ишларини янада ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

2024 йилда Қорақалпоғистон Республикасида истиқомат қилувчи **40 ёшдан ошган 557 491 нафар** аҳоли юрак қон томир ва қандли диабет касалликларига қарши, **16 981 нафар** ҳомиладор аёллар пренатал скринингдан ўтказилди.

Жорий йилда **52 072 нафар** қандли диабет касаллиги билан рўйхатга олинган bemorларга тиббий хизматлар кўрсатилди.

### Ёшлар билан ишлаш тизими

#### 2024 йилда амалга оширилган ишлар:

2024 йилда **452 та** маҳаллада ўтказилган хатлов орқали **447 минг “Ёшлар баланси”** шакллантирилиб, уларнинг индивидуал муаммоси, қизиқиши ва иқтидоридан келиб чиқиб, қатор тизимли ишлар амалга оширилди.

“Ёшлар бандлиги дастури” асосида **5 минг** гектар унумдор ер майдонлари ажратилиб, **2 та** мавсумда **10,5 минг** тонна маҳсулот етиштирилди.

Субсидия асосида **806 нафар** ёшларга меҳнат қуроллари билан, шунингдек, оиласвий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида **11 минг 861 нафар** ёшларга **175,5 млрд сўм** имтиёзли кредит ажратилиб, маҳалланинг ўзида бандлиги таъминланди.

Ёшларни юқори даромадли фаолиятга жалб этишга қаратилган “Келажак касблари” лойиҳаси орқали **15 та** хусусий ўқув маркази билан ҳамкорлик йўлга қўйилиб, **1 минг 975 нафар** ёшларнинг **1,8 млрд сўм** ўқиш харажатлари тўлаб берилди.

“Ёшлар дафтари”га **15 334 нафар** ёшлар киритилиб, “маҳалла еттилиги” тавсияси билан **10 163 минг нафарига** **17,1 млрд** сўмлик кўмак кўрсатилди.

“Беш ташаббус олимпиадаси”ни йил давомида ўтказиш амалиёти жорий этилиб, маданият-санъат, спорт, Ай-Ти, маданият-санъат, китобхонлик ва интеллектуал йўналишларидағи танлов ва мусобақаларда **410 минг нафардан ортиқ** ёшларнинг иштироки таъминланди.

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва улар билан манзилли ишлаш мақсадида Нукус шаҳридаги Шимолий-Ғарбий ҳарбий округида 10 кунлик махсус дастур асосида “Жасорат мактаби” ҳарбий-ватанпарварлик йиғинлари ўтказилиб, **400 нафар** ёшлар қамраб олинди.

## Республика Маънавият ва маърифат маркази ҚР бўлими

### **2024 йилда амалга оширилган ишлар:**

Республика Маънавият ва маърифат маркази Қорақалпоғистон бўлимининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида маҳаллий бюджет манбалари ҳисобидан **618,1 млн.** сўм маблағлар ажратилиб, мебеллар жамланмаси ва компьютер техникалари билан таъминланди.

Республика Маънавият ва маърифат маркази Қорақалпоғистон бўлими томонидан 2024 йил давомида **42 та** йирик маънавий-маърифий (**7 та танлов, 2 та семинар, 33 та тадбир ва лойиҳалар**) тадбирлар ташкил этилди.

2024 йил январь-февраль ойларида ҳудуддаги овул ва маҳалла фуқоралар йиғинларида “Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!” шиори остида “**Маҳаллада дув-дув гап**” номли тадбирлар ўтказилиб, унда **30,8 минг нафар**дан ортиқ аҳоли иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ташкил этилганлигининг 32 йиллиги муносабати билан ўтказилган **386 та** тадбирларда жами **230 минг нафар**дан ортиқ аҳоли, ҳарбийлар ва ёшлар қамраб олинди.

Ёшларнинг маънавиятини юксалтириш, уларнинг китоб ўқишга қизиқишини янада ошириш мақсадида ташкил этилган **466 та** маънавий-маърифий тадбирлар, учрашувлар, танловларда жами **20 минг нафардан** зиёд аҳоли ва ёшлар иштирок этди.

## Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ҚР бошқармаси

### **.2024 йилда бажарилган ишлар:**

Қорақалпоғистон Республикасидаги **452 та** фуқаролар йиғини фаолият кўрсатмоқда. (*шундан 293 та МФЙ, 145 та ОФЙ, 14 та ШФЙ*).

Ҳозирги кунда Қорақалпоғистон Республикасидаги **384 мингдан** ортиқ хонадон, **478 мингдан** ортиқ оиласда **2 млн 1 минг 598 та** (*995 536 та (49,7%) хотин-қизлар, 903 754 та (45,1%) ёшлар*) аҳоли истиқомат қилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Махаллани қўллаб-куватлаш кенгашининг 2024 йил 27 апрелдаги 27-сонли баённомаси ижросини таъминлаш мақсадида 3 босқичли “**Энг намунали кўча боши**” танлови ўтказилиб, **8 минг нафар**дан ортиқ кўчабошиларнинг иштироки таъминланди.

Ўзюекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабардаги ПФ-209-сон Фармонига мувофиқ 2024 йилда маҳаллаларда “**маҳалла бюджети**” тизимини жорий этилиши натижасида жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи ва ер солигинининг 10 фоизини маҳалла бюджетига жалб қилиш орқали маҳалла бюджетига жами **24 млрд 89 млн** сўмдан ортиқ маблағ жалб қилинган бўлиб, шундан **9 млрд 592 млн**

сўмдан ортиқ маблағ белгиланган тартибда аҳолини қийнаётган муаммоларга сарфланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 25 июндаги ПҚ-234-сонли қарори асосида Нукус шаҳри ва туманлардаги **17 та** маҳаллаларда “**Маҳалла сервис компанияси**” фаолияти ташкил этилди.

Бундан ташқари, Уюшманинг ҳудудий бошқармаси, **17 та** туман (шаҳар) бўлинмалари раҳбарлари ва **452 нафар** маҳалла раислари планшетлар билан тўлиқ таъминланди.

Ҳудуддаги барча маҳаллаларда “**Рақамли маҳалла**” тизими жорий қилинди.

Жорий йил давомида “**маҳалла еттилиги**” фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида “**Камбағалликдан фаровонлик сари**” дастури асосида маҳаллаларда ижро назорати, маҳалла платформаларини олиб бориш тартиби каби бир қанча мавзуларда **16 маротаба** ўқишилар ташкил қилинди.

### **Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҚР бошқармаси**

#### **2024 йилда бажарилган ишлар:**

Қорақалпоғистон Республикаси бўйича 2024 йил 28 декабрь ҳолатига ҳоким ёрдамчилари ҳамда ижтимоий ходимлар томонидан камбағал оиласлар билан ишлаш йўналиши бўйича **20 749 та** ягона саволнома асосида сўровномалар якунланиб, янги платформага киритилишига эришилди.

Камбағаллик реестрига киритилган оиласларнинг **9 935 та** оиласга индивидуал режа ишлаб чиқилди ва **48 084 та** хизматлар шакллантирилди.

Республика бўйича **67 минг 788 нафар** ногиронлиги бўлган шахслар мавжуд бўлиб, жорий йилда **1 316 нафари** реабилитация марказида даволанди.

**6306** муҳтоҷ шахсга Протез ортопедия махсулотларига (*ПОМ*) ва реабилитация қилишнинг техник воситаларига (*РТВ*) ваучер шаклланган бўлиб, **4501 нафари**га буюртма қилинди ва (шундан **433 таси** жараёнда) **4 068 таси** реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминланган.

**7 745 нафар** ногиронлиги бўлган болаларга шаҳар ва туманлараро ТИЭКлар томонидан ўқишига тавсия берилди, шундан **203 нафари** инклузив, **1 374 нафари** уй таълимимига, **389 нафари** ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотлари, **995 нафари** махсус мактаб-интернатлари, **6 541 нафари** умумтаълим мактаблари, **253 нафари** олий ва ўрта махсус таълим муассасалари, **1 228 нафари** мактабгача таълим ташкилотларига жалб қилинди.

Бугунги кунда худудда жами **4696 нафар** етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар (vasiylikka **2768 ҳомийликга 1850 нафар**, оиласий болалар уйларига **68 нафари** ҳамда оиласа тарбияга (потранат) **10 нафар**) жайлаштирилган.

**28 707 нафар** чет давлатларга чиқиб кетган ота-она болалари хатловдан ўтказилди, шундан **2183 нафари** vasiylikka ва ҳомийликка олинди.

Ўзгалар парваришига муҳтоҷ бўлган ёлғиз яшайдиган ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган **1035 нафар** шахсга **120,6 млн.** сўм пуллик хизмат кўрсатилди.

Бундан ташқари **7337 нафари** протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация воситалари билан таъминланди.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ тоифаларига **96** турдаги **393 877 та** ижтимоий хизматлар кўрсатилди. Бунинг натижасида **10 867 нафар** фуқароларнинг ижтимоийлашувига эришилди.

**7 627 нафар** оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган оиласаларга кейслар очилди, **7497 та** режалаштирилган индивидуал хизматлар кўрсатилди.

**1 506 нафар** ўзгалар парваришига муҳтоҷ ёлғиз ва ёлғиз яшовчи ногиронлиги бўлган шахслар чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди.

**331 нафар** ўзгалар парваришига муҳтоҷ ёлғиз ва ёлғиз яшовчи ўзгалар парваришига муҳтоҷ шахслар хатлов натижада аниқланиб, "Ёлғиз кексалар" АТга киритилди.

**1 085 нафар** алоҳида таълимга эҳтиёжи бўлган болаларнинг ПТПК текширувидан ўтказиш учун аризалар қабул қилинди ва буларнинг ҳаммаси ижобий ҳал қилинди.

**598 нафар** алоҳида таълимга жалб қилинди.

**248 нафар** ўзгалар парваришига муҳтоҷ бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳужжатларини расмийлаштириш ва қайта тиклашда ёрдамлар берилди.

### **"Нуроний" жамғармаси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими**

#### **2024 йилда бажарилган ишлар:**

2024 йил ҳолатига Қорақалпоғистон Республикасида 219.7 минг нафар пенсионерлар ҳисобга олиниб, шундан ёшга доир пенсионерлар 168.7 минг нафарни ташкил этмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси бўйича 134 нафар ёлғизлар ва ёлғиз яшовчи кексалар, Тахиатош туманидаги Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар ва уруш ва меҳнат фахрийлари учун "Тахиатош" санаториясида ҳамда Қўнғирот туманидаги Ўзбекистон темир йўллари акциядорлик жамияти соғликни сақлаш хизмати "Қўнғирот санатория профилактория"сида бепул соғломлаштирилди.

Ўзгаларнинг парваришига муҳтоҷ бўлган ёлғиз кексалар ва ёлғиз яшайдиган кексаларнинг маънавий-руҳий ҳамда психологоик қўллаб-кувватлаш мақсадида **952 нафар** малакали психологлари ҳамда **924 нафар** фаол ёшлардан иборат бўлган волонтёрлик гуруҳлари шакллантирилиб, улар томонидан ўзгаларнинг парваришига муҳтоҷ бўлган ёлғиз кексалар ва ёлғиз яшайдиган кексаларнинг ҳолидан хабар олиш тизими йўлга қўйилди.

“Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин” шиори остида ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ бўлган кексалар ва нуронийлар ҳолидан мунтазам хабар олиниб, моддий ёрдам сўраб муражат қилган **182 нафар** муҳтоҷларга **63.7 млн.** сўм нақд пулларда ва қимматбаҳо совғалар кўринишида “Нуроний” жамғармаси Қорақалпоғистон Республикаси бўлимидан амалга оширилди.

“Наврӯз” умумхалқ байрами, “Рамазон ҳайити”, “Қурбон ҳайити” муқаддас байрам кунларида ҳомийлар томонидан **2052 нафар** фуқароларга **193.5 млн** сўмлик, **Рамазон ҳайити** байрамида ҳомийлар ҳисобидан **665** та кам таъминланган оиласлар ва кексаларга **97.5 млн** сўм миқдорида моддий ва маънавий ёрдамлар кўрсатилди.

2024 йил давомида **45 минг нафар** кам таъминланган оиласда яшовчи кексалар, фаол нуронийлар, ўзгалар фарваришига муҳтоҷ ёлғиз кексалар ва ёлғиз яшовчи кексаларнинг Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларига бепул саёҳатлари ташкил этилди.

“Бир нуроний ўн ёшга масъул” тамойилига мувофиқ **452 та** маҳалладаги ёшлар ҳар бир маҳалладаги ҳаётий тажрибага эга бўлган замонавий фикрлайдиган **544 нафар** фаол нуронийларга маҳаллалардаги ёшлар етакчилари “Кексалар маслаҳати” гуруҳлари билан биргалиқда шакллантирилган рўйхатлар асосида **5312 нафар** уюшмаган ва муаммоли ёшлар нуронийларга бириктириб чиқилди.

Бириктирилган ёшлар билан олиб борилган **2275 та** тарғивот тадбирлари, маънавий-маърифий ишлар давомида, жами **5129 нафар** ёшлар муаммоси ҳал қилиниб рўйхатдан чиқарилди. Жумладан, **1949 нафар** ёшлар ишга жойлаштирилди, **1437 нафар** ёшлар касбга йўналтирилди, **1743 нафар** ёшларнинг муаммоси ҳал қилинди, **145 нафар** ёшлар профилактик рўйхатдан чиқарилди.

Нуронийлар жамоатчилик кенгashi ва маҳаллалардаги “Кексалар маслаҳати” гуруҳлари томонидан **4365 маротаба жамоатчилик назорати** тадбирлари амалга оширилди.

Қорақалпоғистон Республикасидаги **452 та** маҳаллалардаги аҳоли иштирокида **2766 маротаба “Уч авлод учрашувлари”** ўтказилиб **25982 нафар** нуронийлар, **21955 нафар** ўрта авлод вакиллари, **78423 нафар** ёшлар, **4905 нафар** ёзувчи, шоир, олим ва санъаткорлар, **5722 нафар** спортчилар, фермерлар ва хунармандлар, **2726 нафар** Ўзбекистон қаҳрамонлари, давлат мукофоти соҳиблари, йирик корхона ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Умумтаълим мактабларида ҳар ойнинг пайшанба кунлари “Нуронийлар тарбиявий соатлари”ни ўтказиб бориш бўйича

Нуронийлар жамоатчилик кенгашлари ва маҳаллалардаги “**Кексалар маслаҳати**” гурухлари аъзолари ва бошқа фаол нуронийлардан **2142 нафарининг** рўйхатини “маҳаллабай” шакллантирилиб, ҳудуддаги мавжуд **722 та** умумтаълим мактабларига биритирилди.

Кексалар иштирокида **1796 та** маънавий-маърифий ва спорт тадбирлари ташкил этилиб **18081 нафар** кексалар ва **40875 нафар** ёшлар қамраб олинди. Шунингдек **767 та** спорт тадбирлар ўтказилиб, шундан “**Саломатлик учун 5 минг қадам**” пиёда юришга **30177 нафари** спорт мусобақаларига, кексалар ва ёшлар жисмоний тарбия билан шуғулланишга жалб этилди.

